

ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ XV ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ XV ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти **2018 йил 4 апрелда** Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XV илмий-амалий конференциясини ўтказди. Институт маъмурияти шарқшуносликнинг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб бораётган магистрантлар, таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва кичик илмий ходимларни анжуманда иштирок этишга таклиф қилади.

Илмий маъруза тезислари (2-3 бет) шу йилнинг **20 мартига** қадар қабул қилинади. Анжуман материалларини тезислар тўплами шаклида нашр этиш, шунингдек, энг яхши деб топилган маърузаларнинг мақола шакли Институтнинг “Мерос” илмий журналида чоп этилиши кўзда тутилган. Маъруза учун регламент 10 дақиқа.

Тезис матнларини расмийлаштириш талаблари:

1. Тезис матнлари Times New Roman шрифтида, белгилар катталиги 12, сатрлар ораси 1,5 интервалда ёзилган бўлиши керак.
2. Қоғоз ўлчами: А4 (210-297 мм).
3. Матн юқорисидан 2,5 см, пастдан 1,5 см, ўнгдан 1,5 см, чапдан 3 см ҳошиялар қолдирилиши талаб этилади.
4. Саҳифанинг юқори ўнг бурчагидаги биринчи қаторда маърузачининг исми, шарифи, иккинчи қаторда ташкилотининг тўлиқ номи, учинчи қаторда телефон рақами (коди билан) ва электрон почта манзили кўрсатилади.
5. Мавзу номи қорайтирилган катта ҳарфлар билан бешинчи қаторда, саҳифа ўртасидан ёзилади.
6. Тезисда мавзу орқали кўтарилган муаммо, унинг ечими, илмий амалий-аҳамияти ва ҳулоаси қисқа мазмунда берилиши, турли цитата, жадвал ва схемалар қелтирилмаслиги талаб қилинади. Зарур ўринларда ҳаволалар сатр остида ифодаланиши мумкин (Масалан: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Тошкент, 2001. Б. 135.).
7. Тезис электрон ва қоғоз шаклда топширилиши сўралади.

Кечиктирилган ва талаблар бўйича тайёрланмаган тезислар қабул

қилинмайди.

**Тезис матнлари институт ЁОК котиби О. Мадалиевага топширилсин
(2-қават, 19-хона)**

Манзилимиз:

100170. Тошкент ш.,

Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй,

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

Мурожаат учун:

Телефон: 262-54-61

E-mail: kayumova77@mail.ru